

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 4-10 сентябрь № 35 (551) Сешанба кунлари чиқади

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент
Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига
бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

Муҳтарам дўстлар!

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик қўлуг санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуг, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуғурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Албатта, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ана шу ишларга ўз баҳосини бериш билан бирга, ҳар қайси инсон ва бутун мамлакат учун ҳаётини муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзининг танқидий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдиришга тўла ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифок парокандалликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлгимизни англаш ва топпалган миллий гуруҳимизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва ҳолис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганлиги, бу ҳаракатларнинг илмий-таърихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқиға тўхфа тарихидеда берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама қучур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур.

Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди.

Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойлари ана шу нуктаи назардан баҳолаб эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда фўят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Биз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик.

Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қўйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

Биринчидан — иқтисодиётнинг мафқурадан ҳолилиги ва унинг сиёсатдан устуллиги. Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;

Иккинчидан — давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;

учинчидан — қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

Тўртинчидан — қўли ижтимоий сиёсати амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;

Бешинчидан — ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, "шок терапияси" деб аталган турли усуллардан воз кечиш. Бошқача айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамиша халққа зулм ва зўравонлик, қон тўкиши ва талафотлар келтирган.

Ушбу тамойиллар авваламан бирининг коммунистик мафқурадан бутунлай воз кечганининг яққол ифодаси бўлиб, йигирманчи асрнинг 90-йиллари бошидаги реал ҳаётни ўзида ёрқин акс эттирди ва мамлакатимизни ислох этиш бўйича аниқ принципиал мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Биз айнан ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, янги давлат, янги жамият пайдоюрини барпо этишга киришдик. Айнан ана шу тамойилларни амалга ошириш зарурати туфайли "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмам", "Ислохотлар — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг маффаатлари учун" деган, бугун кўпчилика ёд бўлиб кетган ҳаётини шиорлар пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатимизни ислох этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий кадрларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланидиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон

(Давоми 2-бетда).

Давр нигоҳида



ЙИЛЛАР САРҲИСОБИДА — ХАЛҚНИНГ ЭРТАСИ

Мустақил Ўзбекистон — 16 йиллик тўйи арафасида жуда кўплаб бунёдкорлик ишлари-ю, муваффақиятли натижаларга эришганлигининг бугун гувоҳимиз. Шундай экан, Мустақиллик — озод ва обод Ватанининг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини тегаран англаши учун яратилган чексиз имкониятидир. Тараққиётнинг қайси бир жабҳасини олманг, у ерда албатта, захматкаш халқимизнинг орзу-умидлари, кундалик ҳаёти-ю, келажак истиқболини кўришимиз мумкин.

● Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентни 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши том маънода Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорлиқларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматларига берилган юксак унвон дея эътироф этсак хато бўлмайди. Ўзбекистон пойтахти муслмон дунёсида ўзига ҳослиги, маҳобатли мадраса ва масжидларининг бинолари, минглаб нодир қўлёзмаларга бой бўлган кутубхоналари, ислом уйғониш даврининг буюк усталари, аллома ва меъморлари ижодига мансуб намуналарни кўз қорачигидек асраб-авайлаётган музейлари билан бутун дунё аҳлини ҳайратга солади. Айниқса, Кўкалош номидаги мадраса ва Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Тошкент Ислом университетининг фаолият кўрсатаётганлиги таълим муассасаларида диний уламолар, диншунослар, Ислом ҳуқуқи ва манбашунослик, жаҳон иқтисодиёти ҳамда информатика бўйича кадрлар тайёрлашда асосий таълим масканларидан бири бўлиб келмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади. Нима учун айнан Тошкент — ислом маданияти пойтахти?

ISESCO биринчи навбатда республика раҳбариятининг ўзбек халқи маданияти ва маъна-

вий қадриятларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ислом цивилизацияси ёдгорлиқларини химоя қилиш ва кўз қорачигидек асраш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни эътиборга олган, бу шубҳасиз, амалиётда ўз ибботини топаётганлиги билан қадрлидир.

Шунингдек, жорий йилнинг 14 август кўни "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциянинг ўтказилгани Ўзбекистон ҳамда ўзбек маданияти ва илм-фанини дунёга танитишда муҳим аҳамият касб этади.

● Аҳоли учун кенг шарт-шароит ва имкониятлар эшигининг очилиши бунёдкорлик ишларининг асл мазмун-моҳияти билан боғлиқ. Мустақиллик арафасида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлининг ишга туширилиши ва бунда бевоисита давлатимиз раҳбарининг иштироки дунё бозорига янги йўللар очиб, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларини яратиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Эндликда халқимизнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди. Бу каби катта режали вазифанинг аёло даражада бунёд этилганлиги ҳар бир ватандошимизнинг фойда-ифтихориға айланса, ажаб эмас.

(Давоми 6-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди.

Маълумки, СССР парчаланиб кетганидан кейин собик совет ҳудудига жуда кескин ва тахликалий вазият юзага келди. Бу эса бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўришни талаб этди.

Азиз дўстлар, биродарлар, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўри ўн-ун беш кунга етадиган бўғуд ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик оstonасига келиб қолганини ўзимизга бир тасаввур қилайлик.

Табиийки, бундай ҳол аввало бутун совет тизимида хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Лекин, энг ёмони, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хомашё тайёрлашга йўналтирилган, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ноқор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экологияга ва аҳоли генотипига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яққаҳимлиги юртимиздаги вазиятни жараёнда олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республиканинг собик СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривож бўйича охириги ўринларидан бирида турар эди. Буни аҳолининг рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, янги миллий валютанинг эса ҳали жорий этилмаган эди. Бундай шaroитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин, ҳатто йилгига минглаб фоизга ўсиб кетишини жилволаш фақатгина муҳим аҳамият касб этар эди. Биринчи галда илгари шаклланган ҳўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди.

Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиш хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши фoят жиддий хатарга айланган эди. Қисқача айтганда, туб илдиэлари совет давлати-

нинг сўнгги йилларига бориб тақаладиган ички ва ташқи можаролардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

Бу ўринда авваломбор эл-юртимиз бошидан кечирган 1984-1989 йиллардаги муҳиш қора кунларни эслаш кифоя, деб ўйлайман. Ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун КПСС Марказий комитети қарори билан Ўзбекистонга юборилган, ҳақ жуда топиб, "десантчилар" деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди.

Бу ҳақда гапирганда, Куvasой, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бўха ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўшда рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатларни, юртимизга чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган тахликалий кунларни ҳам эслашимиз лoзим. Агарки ана шу ёвуз ниятли кучларнинг қабиҳ ва узоқни кўзлаган бузғунчилик мақсадлари амалга ошганида бoрми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичида қолиб кетган ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Oсиёдаги вазиятнинг портлатиб юборган бўлар эди.

Республикада вужудга келган бундай ўта мураккаб ва фожиали шaroитда ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиш, қатъий сиёсий иродани намoён этиш, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этиш фoят муҳим аҳамият касб этган эди.

Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда ҳалқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини ҳолисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, ҳақон ҳўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимиз нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Аввало, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз –

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қонусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёrlардан устунилиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Асосий қонунимизда ҳеч қандай мафзуранинг давлат мафзураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафзур ва фирқаларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлиги шaroитда хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустақамлаб қўйилди.

Ана шу тамойилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимида барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадини кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлаш оладини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эди. Шу мақсадда туб маъмурий ислохотлар амалга оширилди: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агроcаноат комитети ва қўллаб тармоқ вазирликлари тузатилди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчидан, судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, ҳўжалик судлари жорий

этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди.

Тўртинчидан, қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, ҳалқаро террорчилик, экстремизм ва нарког-рессия қаби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бугунги замонавий таҳдид ва хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида "Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу тарихда юртимизда тинчлик, оcойишталик ва барқарорлиқни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустақам ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтлари, хусусан, парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди.

Биз шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзини учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришини муҳим шарт сифатида белгилаб олдик.

Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётини вазифа турар эди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва галла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда аввало шунини айтиш лoзимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан cаноат захира-ларига эга бўлганига қарамаcдан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилгига 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта микдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди.

Бу жиддий муаммони ҳал этиш мақсадида қисқа фурсат ичида ўзимиздаги углеводород хомашё-

сини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефть-газ қонларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилиб, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизацияга реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шaroит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшаши бўлмаган Шўртан газ-кимё мажмуаси қаби ноёб иншоот барпо этилди. Ўшбу корхонада тайёрланаётган суолтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб катта эканини қайт эъти лoзим.

Мустақиллик йилларида ана шундай йирик корхоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида ҳозирги вақтда юртимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробар орди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу борада мамлакатнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажмининг ҳам кўпайтиришга эришди.

Асак ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводлари-ни барпо этганимиз туфайли мустақиллик йилларида автомо-биллар сони кескин ошди ва ҳар 100 оиланинг автомобиль ва таъминланиш даражаси 6 баробар ўсди. Ўз-ўзидан аёнки, республикамизда бензин ва ёқилғи-моилаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб бормокда.

Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун республикамизнинг ривожланаётган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган мана шундай талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга эришмоқдамиз.

Маълумки, мустақиллиқнинг дастлабки кунларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳам ўта оғир қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлган эди. Бу муаммонинг сабаби аввало шундаки, Ўзбекистон собик СССР ва социалистик лагерга мансуб мамлакатлар учун асосан пахта хомашё-сини тайёрлаб, галла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжининг 80 фоиздан ортиги эса четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Шунинг ҳам таъкидлаш лoзимки, ўша йилларда етиштирилган пахта хомашёсининг 7 фоизгинаси мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувекин

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

нархда четга чиқарилади эди.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт ва сут, юз фоиз четдан келтириладиган шаккар маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келган эди. Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳоли бунга яққол мисол бўлади. Ҳа ҳақда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилган эди.

Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларига келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ём бўларди. Бугун эса ҳалқимизнинг картошкага бўлган эҳтиёжи тўлиқ ўзимизда етиштирилган ҳосил ҳисобидан қопланмоқда.

Ана шундай мураккаб бир даврда биз галла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масалани ҳам ўз олдимишга устувор вазифа қилиб қўйдик. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг галлага бўлган эҳтиёжини қоплаганига қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидоги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга галла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, галла мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз аҳолисини нафақат ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, айна пайтда унинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор равишда ўз ҳисобимиздан қондириш масаласини ҳам ҳал қилиш имконини берди. Бундай улкан ютуқлар замирида ана шу мураккаб вазифалар ечимини ўз зиммасига олган деҳқон ва фермерларимиз, қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган миллионлаб меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати муҳассам, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий гав-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди.

(Давоми. Боши
1-2-бетларда).

Дастлабки йиллардаёқ биз учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди.

Мамлакатимизда ҳусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожини устувор аҳамият касб этди. Ҳусусий мулк конституциявий асосда ишончли қафолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва ҳусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётида тобора салмоқли роль ўйнамоқда.

Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютасини муомалага киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди.

Албатта, миллий валютага ўтиш ва унинг қатъий тўлов қобилиятини таъминлаш осон кечгани йўқ, лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин, биз 2003 йилдаёқ унинг эркин конвертация қилинишига эришдик.

Замонавий икки погонали банк тизимини яратиш орқали мустақил пул-кредит сиёсати юритиш, бюджет ва пул сиёсатининг масъулият доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ўзаро самарали муносабатини таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Бунинг натижасида иқтисодиётимиз манфаатларини барқарор ва ишончли тарзда қондириб боришга эришилди. Хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий маблағлардан фойдаланиш борасидаги мустақиллиги сезиларли даражада ошди.

Иқтисодий нуктаи назардан бошлангич босқичда, иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислох қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаш бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг нобъ тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади.

Бу авваламбор зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш – аҳолининг ҳақиқатдан ҳам ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўтиш даврининг қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди. Шу тариқа биз юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни таъминлабгина қолмасдан, айна пайтда ислохотлар

ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳалқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришдик.

Бу даврда амалга оширган ишларимиз қаторида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилиши фоят муҳим аҳамият касб этди.

Совет СССР парчаланганидан кейин юзага келган шароитда, қуролли кучларда бошқарув, интизом ва тартиб амалда йўқотилган, мамлакат ҳавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган бир вазиятда Мудофаа вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган яққаю ягона тўғри қарор бўлди.

Кадрлар, энг аввало, офицерлар таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, армия сарфлари миллий кадрлар билан тўлдириш, уларнинг тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишини таъминлаш, энг муҳими, мамлакатимиздан жанговар техника ва қуроллар олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш ўта муҳим аҳамиятга эга эди.

Кейинчалик, минтақамиздаги тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, армияни ислох қилиш бўйича янги принциплар негизда Қуролли Кучларни барпо этиш ва ташкил қилишга асосланган, ҳавфсизликка таҳдид соладиган реал ҳавф-хатарларни назарда тутадиган узоқ муддатда мўлжалланган дастур шакллантирилди. Ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида миллий армиямиз ташкилий жиҳатдан янгича таркибий тузилишга эга бўлди, қисқа муддатда ҳарбий округлар, чега-равий минтақалар ташкил этилди, Қуролли Кучларни бошқаришнинг бутун тизими, бирлашма ва қисмларнинг таркиби ва жойлашuvi қайта қўриб чиқилди, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг бўлинмалари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманининг ҳар қандай таъжовуворона ҳаракатларига қарши муносиб зарба беришга қодир қудратли куч экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларига суқилиб кирган ҳалқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намоён бўлди.

Айни пайтда муддатли ҳарбий

хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарлик-қақрув резерв хизматининг жорий қилингани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда яқунлангани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

Сержант ва офицер кадрларини тайёрлашнинг ахборот ва компьютер технологияларига, замонавий илм-фан ва техника ютуқларига асосланган самарали тизими ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур тураржой ва маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилинди. Сўнгги беш йилнинг ўзида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори икки баробардан зиёд этилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимизнинг ҳавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фукроси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Армия хизматини ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб қамол топмоқда.

Тарихимизнинг ана шу ўтган даврини сарҳисоб қилар эканмиз, ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларга тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақил давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номмагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шугулланарди, ҳолос.

Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб ўта муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишга, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар соҳасида энг мақбул йўллари топишга тўғри келди.

Фоят қисқа фурсатда бу соҳада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, кейинчалик эса, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа қатор давлат бошқарув органлари тузилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш тизими яратилди.

Мустақилликка қадр юртимизда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва исчиал ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, ҳалқаро майдонда обрў-эътиборининг ортиб боришини таъминлади.

Кейинги даврларда ўзига обрў топомқчи бўлган "кўп векторлик сиёсат" олиб бориш деган турли қараш ва ёндашувлар ҳақида чиқишлар бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг тағ-томирида ҳеч кимга сир бўлмаган бир мақсад турибди – Ўзбекистон манфаати ва ана бир бор Ўзбекистон манфаати, бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган, десам, айна ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосий иқтисодий ҳамжамияти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ишда фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, ҳалқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар! Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юртимизда ўз Ватанининг тақдирини, унинг бугуни ва келажиги учун масъулиятни чуқур ҳис этидиган, мустақил ва янги-янгидан фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжини қондириш вазифаси биз мустақилликка эришган биринчи кунларданок ўта муҳим

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

ва ҳал қилувчи масалага айланган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 1997 йили 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган ушбу дастур 12 йиллик таълимга ўтишни, узлуksиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда tutadi. Дастур умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махsus касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурда ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса махsus фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариши ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта махsus касб эгаллаш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бошланганидан буён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-хунар коллеж, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги дарсликлар ва махsus ўқув қўлланмалари яратиш орқали таълим жараёнининг мазмун тубдан такомиллаштирилди. Шуниси айниқса муҳими, ихтисослашган олий ўқув юртларида академик лицей ва коллежлар учун замон талабларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджет-

дан ташқари маблағлар йўналтирилди.

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички махsulоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон ўзининг миллий Фанлар академиясига эга бўлиб, унинг таркибида улкан илмий-техник салоҳиятга эга бўлган 43 та академик институт муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Табиий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустахкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар! Биз ўз олимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорликни таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни жорий этишда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз барчангизга яхши маълум.

Бу борада айниқса юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустахкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзгичмизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимиз муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ҳоиз.

Бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистлик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубаник иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Бундай узокни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва гаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган харажатлар ва бу каби хаф-

хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Кадрли дўстлар!

Мамлакатимизни 1991-2000 йиллар давомида ислох қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикаимизни барқарор ривожлантиришда мустахкам замин бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистлик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустахкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажagini ҳақ қилишга ҳақмизга интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрайдиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортага қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир.

Муҳтарам айтганда, Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, ҳалқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустахкам ўрнига эга бўлган – Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустахкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислох этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантаний босқичи изчил давом этмоқда.

Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустахкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган қўли давлатдан – қўли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислох этишининг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор. Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.

Бу борадаги асосий вазифа қўли палата – Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, қўри палата – Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминлашмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Икки палатали парламентимизнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг янада мувофиқлашувини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата – Сенатга ўтказиш, шунингдек, Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президентини бир палатининг ўзидан ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормаларнинг ўзгарилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди. Бугунги кунда Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат раҳбари бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлайди.

"Давлат бoshқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнидада хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи восита-

сига айланиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирди.

Хусусан, Бош вазир вазосига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқла-нишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизмининг жорий этилгани давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенга-шлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилиши ҳам мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бoshқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислох этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг

(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Боши
1-3-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

75 фоизга яқини ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидagi жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Маъзур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамолда олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий қўлиб олинди ва бутун дунёда катта акс-садо берди.

Ўлим жазоси бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни, жавобгарлиқни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг маъзур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жиноий жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноий жазоларнинг энг инсонпарвар, ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турда, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Францияда 18, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланади.

Қамолда олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъкиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим фаоллигига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамолда олиш танадда жавобгарлигини қучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодлигига бўлган конституций ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми. Боши
1-4-бетларда).

Очик ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовор.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қондириш, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолият самардорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий қамолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, биз уларга аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг ўсиш суръатлари, макро-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро муносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютимизнинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтин-валюта захираимизнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиққан ҳолда баҳо берамиз.

Юртимизда амалга оширилган кенг қўламли, туб ислохотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати барқарор хусусият касб этди. Биргина кейинги тўрт йилнинг ўзига йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Республикаимизда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг аксариятида бу кўрсаткич ханузгача ислохотлар бошланган даврдаги даражага ҳам етгани йўқ.

Шуниси муҳими, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ҳақон бозоридан нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шaroитда қатор мамлакатларда кузатилаётган ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни, бизнинг иқтисодий ривожланишимиз экстенсив ўсиш ва фақат углеводород хомашёсини зўр бериб тўхтовсиз қазиб олиш эвазига бўлаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислохотларини, иқтисодиётда чуккур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта

жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз.

Шу ўринда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиб бораётгани иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида чуккур иқтисодий ислохотларни амалга оширишга асосланганини яна бир бор таъкидлаб ўтқочиман. Ўтган йиллар давомида иқтисодиётнинг ислохот қилишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб этилмоқда.

Иқтисодиётнинг янада эркинлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, унинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш – буларнинг барчаси ислохотларни чуккурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, иқтисодиётда чуккур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш гоят муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизини маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозорларидан кескин рақобат бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқиши ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озик-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сийсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади.

Солиқ юқини камайтириш борасида ҳам изчил сийсат олиб борилмоқда. Фақатгина 2000-2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ микдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жиҳсоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзига умумий солиқ юқи 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Ҳўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқламаган шаклларидадан воз кечиб, уларнинг ўрнига бутун дунёда кенг жорий этилган хусусий фермер ҳўжаликлари ташкил этилди.

Бугунги кунда фермер ҳўжаликлари том маънода қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, уни барқарор ва самарали ривожлантирадиган ҳаракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз бўлса, бу йўналишнинг локомотивиға айланди. Бу соҳада бозор инфратузилмаси амалда қайта тузилди, қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосига қурилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат секторида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклиға ўтган, уларда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётдаги етакчи кучға айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилға айлангани эътиборға сазовордир.

Айни пайтда юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласиға ҳам республикаимизни жадал тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиғи 633 километрни ташкил қиладиган Навоий-Нукус, 223 километрик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўл магистраллари, Қамчиқ домини орқали ўтадиган тезкор автомобиль йўлининг бу борадаги ўрни ва аҳамияти қанчалик беқиёс эканини ҳаммамиз яқши

англаймиз. Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғиға ишончли тарзда бирлаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ўтган даврда қўлга киритган салмоқли ютуқ ва натижаларимиз халқимизнинг даромадлари ва фаровонлигини изчил равишда ошириб боришни таъминлаш, кенг қўламли ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалға ошириш имконини берди.

Барчамизға маълумки, аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиш суръати энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда гапирганда, аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошганини таъкидлаш лозим. Жорий йил охириға бориб республикаимизда ўртача иш ҳақи микдорининг 200 доллар даражасиға етиши кутилмоқда.

Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар оширишни ўз олдимизға муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганимиз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобға олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлиғи ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларға эришаётган мамлакатлар даражасиға кўтарилишни ўз олдимизға мақсад қилиб қўйганимиз.

Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди – мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалариға тўғри келади.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йirik саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим.

Биз учун муҳим ижтимоий аҳамиятға эға бўлган аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларға катта эътибор қаратиб, бу борада аниқ мақсадға йўналтирилган ишларни изчил амалға ошираётганимиз мавжуд аҳолини тубдан ўзгартириш учун имкон яратди. 2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача камайгани ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало қишлоқ жойлардаги одамларнинг турмуш шароити изчил тарзда яхшиланмоқда. Истиклол йилларида 36 минг километрик сув қуурурлари, 72 минг километрик газ тармоқлари ишға туширилди. Бу 1991 йилға қадар эришилган натижаларға нисбатан тегишли равишда 2 ва 4 баробар кўп демакдир.

(Давоми. 6-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

Натижада аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кунда 84 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78 фоизни ташкил этмоқда.

Халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тугишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда табиий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта қўриб чиқилди. Хозирги вақтда бу борадаги ислохотларнинг асосий босқичларидан бири нихосига етмоқда. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали табиий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг энг муҳим ва конкрет натижаси бўлганини қайд этиш зарур. Махсус ташкил этилган республика маркази бу тизимга раҳбарлиқни ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминламоқда.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлимида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар

рўй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани бу соҳадаги катта қадам бўлди, десак, тўғри бўлади.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг ҳар томонлама қайта қўриб чиқилиши аҳолига табиий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Натижада кейинги 2-3 йилда соҳа ходимларининг иш ҳақи 2 баробардан зиёд қўлайди.

Ортимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин эгалламоқда. Уларда юқори малакали мутахассислар жаҳон миқёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни амалга ошириб, одамлар ҳаётини сақлаб, уларнинг умрига умр қўшаётгани бу борадаги ислохотларимизнинг яна бир амалий ифодасидир.

Соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган кенг тармоқли скрининг марказларининг ўрни ва

аҳамияти қанчалик катта экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 24 тага тушди, гўдаклар ўлими эса илгари 1000 нафар чақалоққа 35 тадан тўғри келган бўлса, хозирги кунда 14 тага тушди.

Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, куйдирги, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда ортганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшга ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшга ташкил этди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги ўртача умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга ўзайганини одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг аниқ ва яққол натижаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади.

Азиз ватандошлар! Ўз-ўзиндан аёниқ, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлат-

лар қатори хозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу стратегия авваломбор тажрибада ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ўзгаришларни чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат юритиш ва жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашишга қаратилган йўлимизни бундан буюн ҳам изчил давом эттиришни таъминлаши даркор.

Фақат ана шундай сиёсатга-на ўз олдимишга қўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз – Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сифатидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“Ҳамма нарсаси инсон учун, унинг келажаги учун” деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг иқтисодиёт, сиёсат, давлат-ҳуқуқ ва суд соҳасида амалга ошираётган барча ўзга-

риш ва ислохотларимиз пировард натижада ягона мақсадга – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўйбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркор.

Муҳтарам ва қадрли ватандошларим!

Бугун сиз, азизларга мурожаат этиб, барчангизни қўлғурий – Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этар эканман, қалбимни, юрагимни эзгу ва юксак туйғулар қамраб олаётганини айтмоқчиман.

Мана шу ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганамиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради.

Ишончим комилки, Ватанимиз истиқболини ўйлаб бошлаган барча улғу ишларимизни албатта охирига етказамиз, ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришамиз, иншоолло. Эътиборингиз учун раҳмат.

Давр нигоҳида

ЙИЛЛАР САРҲИСОБИДА – ХАЛҚНИНГ ЭРТАСИ

• Самарқанд азал-азалдан аждодларимизнинг кўз нури, Шарқ гавҳари-ю, рўйи заминининг сайқали бўлиб келди. Неча асрлардан буюн ўз қадр-қимматини йўқотмай, не-не даҳоларга бешик бўлган бу юртининг ҳар бир қаричи ватандошларимиз учун онадек муқаддасдир. Ана шундай нурли йўлларда, истиқлолнинг 16 йиллик тўйи олдида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигининг кенг нишонланиши чинакам маънода авлодларга хурмат ва тарихга меҳр-муҳаббат назарини шакллантиради. Жорий йилнинг 25 август кунин Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган катта байрам тадбири, шунингдек, “Шарқ тароналари” олтинчи халқаро мусиқа фестивалининг ўтказилиши миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлиги, юксак хурмат туйғусини яна бир қарра оширади. Юбилей олди шаҳарда олиб борилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари шаҳар кўрқига кўрк, хуснига ҳусн бағишлаб, авлодлар меросига бўлган эътиборни қайта уйғотади. “Шарқ тароналари” Халқаро фестивали инсоният тафаккурининг бетакрор хазинаси,

(Давоми. Боши 1-бетда).

маънавий камолот рамзи бўлмиш мусиқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни гўзаллик ва нафосатга ошно қилишдек олижаноб вазифаларни ўзида мужассамлаштирар экан, ўйлаймизки, бу анъана келгуси авлодлар ҳаётида ҳали узоқ давом этади.

• Ибратли ишнинг савоби чексиз бўлганидек, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, замон билан ҳамнафас руҳда тарбиялаш масалалари давлатимиз раҳбарининг эътиборида экан, бу борада Г. Плеханов номидаги иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиаллари, Халқаро Вестминстер университети катта катта янги ташкил этилган И. Губкин номи Россия давлат нефть-газ университети бугунги давр ёшлари ҳаётида мустаҳкам билим манбаи бўлиб келмоқда. 28 август кунин Президентимиз мазкур И. Губкин номи Россия дав-



лат нефть-газ университетининг фаолияти билан танишди. Республикада нефть-газ тармоғи учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни иқтисодиёт ва фаровон ҳаёт йўлидаги сайё-харақатларини юксалтириш борасидаги мақсадлар, айнан ушбу университет тарихида қарор топишига, таширф буюрганлар катта

ишонч билдирдилар.

• Озодлик ва ҳур Ватан истиқболни йўлида шахид кетган юртдошларимизни эъзозлаш ва уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида 31 август – Қағатон қурбонларини ёд этиш кунин муносабати билан мамлакатимиз раҳбари ҳамда кўпгина ватандошларимиз ишти-

рокида пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуғига ҳамда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гулчамбарлар қўйилди. Ватан, эл-юрт истиқболни ҳар бир юртдошимиз учун муқаддас. Қайсики бир гўшага борманг, у ерда, албатта, мустақилликнинг энгил нафаси ҳар бир қалбга бемисл фахр-фтихор ва сурур бағишлаганини кўрамиз. Юртимиз бўйлаб янраган озодлик навалари, истиқлол нашидалари ҳали ҳамон давом этмоқда. Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тадбири ана шу истиқболнинг амалий натижаси, орзулар қанотидаги ягона ифодаси бўлди, десак хато бўлмайди.

Истиқлолнинг нурли манзиллари... ҳали бардавом. Бу йўлдан эзгу ниятлар ила отланган инсон борки, у албатта, олий саодат манзилларини босиб ўтади. Шундай экан, ҳаммамиз шу улғу Ватанда, унинг фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганлигимиз ва қолаверса, яшаётганлигимиздан ўзимизга катта бахт ва қувонч ҳиссини сезамиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

Тарихга бир назар

2700 йиллиги нишонланган Қарши шахрининг жануби-шарқий томонида маҳаллий халқ томонидан айтилишича, "Ҳожаи Жарроҳ" номи билан машҳур зиёратгоҳ бор. Бу жой аслида қадимий қабристон бўлиб, оғиздан-оғизга кўчиб келаётган нақлларга кўра, унда касби табиб-жарроҳ бўлган ҳожа Убайда дафн этилган.

ХОЖА УБАЙДА ЗИЁРАТГОҲИ

1963-1975 йилларга оид архив ҳужжатларида қайд қилинишича, зиёратгоҳда ҳеч қандай ёзуви ва белгиси бўлмаган қабр мавжуд. XX асрнинг бошларида қабрининг шимоли-ғарбий томонида пастроқ минора ва қорилар ибодат қиладиган масжид бўлган. Масжид 1926 йилда бўзиб ташланган. Минора ҳам йиллар ўтиши билан бир неча марта таъмирланиб, ҳозирги кўринишда бизгача етиб келган. Масжиднинг жанубий томонида юзаси 16 квадрат метрни ташкил этган ҳовуз

мизнинг тишлари синганда, Ҳожа оқаётган қонни тўхтатиб даволаганлар. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳожа Убайдани "ал-Жарроҳ" деб атаганлар.

Соҳибқирон Амир Темур Шомни фатҳ қилган пайтда Ҳожанинг таърифни эшитиб, у зотнинг равазларини зиёрат қилган ва менинг юртимда ҳам шундай улўғ кишиларнинг қабри бўлсин, уларнинг шарофатидан, савобидан Тангри Таоло халқимизга қушойишлар берсин деган қутлуг ниятда унинг ҳоқини (тушида аён бўлган) оқ тўғга ортиб,

карвон билан салтанатининг пойтахти — Самарқанд сари жўнатган. Шу билан бирга, соҳибқирон туя қаерга чўкса, Ҳожанинг ҳоқи ўша ерда дафн этилсин деган мазмунда фармон ҳам берган. Аммо туя Самарқандга етмай Қарши тупроғига чўккан. Шунда Ҳожага шу ернинг тупроғи насиб қилган экан деб уни туя чўккан жойга, яъни ҳозирги зиёратгоҳ ўрнига дафн этишган экан".

Ҳожа Убайда ал-Жарроҳ номига исломий манбалардан муносиб ўрин берилган. "Сифат ус-Софва" китобида ул зоти шариф ҳақида шундай ёзилган:

"Бу зот пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом (с.а.в.) томонидан башорат берилган ўн та жанныйлардан биридир. Расулulloҳ (с.а.в.) билан барча газотларда қатнашган. Икки ўғли Яъид ва Умайр ёш ўлиб кетганлар. Онасининг номи Ҳинд бинти Жобир. Насаби Фахр ибн Моликка бориб, расулulloҳ (с.а.в.)нинг боболарига қўшилиб кетади. Иорданиянинг Амавос деган жойида 58 ёшларида вабо касали билан вафот этиб, Басон деган жойга дафн этилган. Унинг тўлиқ номи Абу Убайда Омир бин Абдуллоҳ бин ал-Жарроҳдир.

У расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўнг қўли, амирлар (бош қўмондон), Уҳуд газотида Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни асраб, даволаган, барча хайрли ишларини Оллоҳ йўлига бағишлаган киши эди. Расулulloҳ (с.а.в.) унинг ҳақида "Бу умматнинг омонатдор кишиси — Абу Убайда ал-Жарроҳдир", деган эдилар. Бадр жангида ҳам саҳоба Убайда номи тилга олинган".

Ўтмишда, ҳозир ҳам халқимиз Ҳожа Убайда ал-Жарроҳ ҳазратларининг равазларини умид ва ихлос билан зиёрат қиладилар, шифокорлар, айниқса, жарроҳлар ул зоти шарифни пириими деб қабул қилганлар. Умид қилмакизи бузрукворнинг муборак руҳлари келажақда ҳам халқимизга руҳона қувват бахш этаверади.

Т. ХОЛИҚОВ,
Қашқадарё вилояти онкология диспансери бош вазири, тиббиёт фанлари номзоди,
олий тоифали хирург-онколог.
Қ. НАСРИДДИНОВ,
Қарши Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

КИММАТЛИ ЭСДАЛИКЛАР

Ўша куни Кибриё опам олдимга келиб, Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси)ни тамомлаганим ва аспирантурага қабул қилинганлигим билан табрикладилар. Шу муносабат билан ҳозирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг эски биносига Уйғуннинг "Қалтис ҳазил" комедиясини томоша қилгани бордик. Театрга бориб, айланиб юрганимизда, шоир Ўткир Рашид билан гаплашиб турган Абдулла Қаҳҳорни кўриб қолдик ва улар билан кўришиб бўлгач, Кибриё опамни таништирдим.

Абдулла Қаҳҳор мени ёшлигимдан танир эдилар. Чунки, акам Ҳаким Ҳамидов (Ҳомидий) ҳам адабиётчи бўлганлар. Уларнинг адабий мақолалари ва шеърлари кўпчиқа матбуотда нашр этиларди. Ҳаким акалар 1927-28-йилларда Тошкентда биринчи марта очилган хотин-қизлар техникумида адабиётдан дарс берганлар. Ўша йилларда акам Ҳамза номидаги драма театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да адабий маслаҳатчи ва телевидение илк бор очилганда, биринчи бўлиб иш бошлаган суҳандорлардан эдилар. Улар кўпчиқа мени ёшлигимдан ўзлари билан олиб юрардилар. Шунинг учун бўлса керак, мен Абдулла Қаҳҳор, Максуд Шайхзода (Шайх акам), Уйғун, Зулфия сингари таниқли ёзувчи ва шоирлар, шунингдек, ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида ишлаган Олим Ҳўжаев, Замира опа, Сора Эшонтураева каби машҳур актёрлар билан таниш эдим. Кейинчалик акам кўп йиллар давомида Тошкент Давлат педагогика университетида ассистент, доцент ва ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг мудири лавозимидда ишладилар.

Биз ўша куни Абдулла Қаҳҳор ва Ўткир Рашид билан бирга бир оз суҳбатлашдик. Улар мени аспирантурага қабул қилинганим билан табриклашди ва бизларни олдинги қаторга тақлиф қилишди. Комедияни мириқиб томоша қилдик. Театрдан чиқаётган пайтимизда бир неча одамлар келиб, Абдулла Қаҳҳор билан гаплашиб, кейин бизни кузатиб қўйишди. Кўчага чиққач, бир-биримиз билан хайрлашиб, мен кўшимиз Ўткир Рашид билан ўз манзилимизга, Абдулла акам билан Кибриё опам эса янги шаҳар томонга йўл олишди. Кибриё опамни театрға олиб бориб, уларнинг тақдирларини очилишига сабаб бўлганим, ўша кун Оллоҳ берган бахтли кун бўлганлигига доимо хурсанд бўлиб юрдим.

1944 йил сентябрь ойидан бошлаб, кўз касалликлари кафедрасида ишлаб, илмий мавзу танлаш, касалларни текшириш, даволашни ўрганиш ишлари билан банд бўлиб қолдим. Таъкидлашим жоизки, 1945-

46-йиллар жуда қийинчилик йиллари эди. Бўлғуси турмуш ўртоғим Қудрат Болтаев — уруш тамом бўлгач, яна бир ярим йил Германияда қолиб, энг оғир ётган касалларни даволаб, 1946 йилнинг июнь ойида Тошкентга қайтганлар. Ўша вақтлар Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассасаларида врачларга бўлган эҳтиёж катта бўлиб, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 9-поликлиникада хирург, офтальмологлар йўқ экан. Шунинг учун поликлиника ходимлари илтимос билан мени аспирантуранинг иккинчи курси охирида ярим ставкага ишлаш учун ўқишимдан руҳсат олишгач, мен у ерда ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, ўз устимда тинимсиз ишладим.

Қудрат Болтаевич ҳам айнан Тошкент Тиббиёт академиясида хирург-ординатор бўлган вақтларидея мазкур поликлиникада кунора ишлардилар. Биз бахтли тасодиф туфайли поликлиникада танишиб, 5-6 ой ичида бир-биримизга ўрганиб қолдик ва ниҳоят турмуш қурдик. (Бу воқеа 1947 йил 7 февраль куни бўлган эди).

Йиллар давомида клиникада даволаш ва илмий ишлар билан банд бўлдик. 1948 йилда ўғлимиз Алишер дунёга келди. Гар қийинчилик бўлсада, 1950 йилда турмуш ўртоғим, 1951 йилда эса мен номзодлик диссертацияларимизни ёқладик.

Ишларимиз кўпайиб кетганлиги боис, Кибриё Қаҳҳороваларникига камдан-кам ташриф буюрардик. Баъзида Абдулла акамлар билан мириқиб суҳбат қурганимизда, чарчоларим кетиб, адабиётга бўлган қизиқишим ортарди. Ўшанда мен Абдулла Қаҳҳорни ҳақиқий ижодкор, жуда ақлли ва истеъдодли инсон эканлигини билганман. Ажойиб инсон ниҳоятда камтарин, ҳар томонлама комил ва калами ўткир ёзувчи эдилар. Айниқса, Абдулла акам билан Кибриё опамлар ибрат олса арзигулик оилалардан бўлиб, бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар.

Ойлар, йиллар оқар сув мисоли тез ўтиб, бу орада яна икки фарзандимиз Зулфияxon ва Гулнорахонлар дунё келди. Турмуш ўртоғим ва менинг ишларимиз ниҳоятда авж олганлиги сабаб, болаларимизга меҳрибон она-жоним қарар эдилар. 1951 йилда доцент бўлганим учун

илмий изланишларимни давом эттиравердим...

Қиш фаслида Абдулла Қаҳҳорнинг (ҳозир музейга айлантирилган) шаҳардаги ҳовлисига, ёзда эса фарзандларимиз билан яқшанба кунлари боққа борар эдик, қизлар эса баъзида томорқа ишларига қарашиб, дарахлардан мевалар териб беришар эди. Шунингдек, сеvimли таомимиз бўлган паловни Қудрат Болтаевич пишириб, дамлардилар. Куз пайтида Кибриё опамнинг шаҳар ҳовлисида борганимизда, улар касал бўлиб, иситмалаб, бошлари оғриб ётардилар, турмуш ўртоқлари Абдулла Қаҳҳор эса ёнларидея ўтириб, меҳрибонлик билан парвона бўлганларига кўзим тушди. Ўша пайтда Кибриё опамнинг аҳволларидан тез-тез хабар олиб, қўлимдан келган ёрдамни бердим.

Ана шундай ажойиб инсонлар даврасида бўлган бир пайтимда доцент бўлиб фаолият юритиш баробарида докторлик диссертациямни тайёрлаб, Москвага тез-тез бориб келардим. Изланишларим зое кетмади, 1968 йилнинг январь ойида докторлик диссертациямни Москвада химоя қилдим. 1969 йилдан бошлаб, профессор, кафедра мудири бўлиб фаолият юритдим...

Кибриё опам билан Абдулла акам баъзида бизларнинг ҳовлимизга келиб туришарди. Жуда қизгин суҳбат бўлиб, фарзандларимиз ўқиши, мен ва турмуш ўртоғимнинг халқ саломамлиги йўлида олиб бораётган хизматлари ҳамда адабиётга хос бўлган фикрлар уйғунлашиб кетарди.

Ҳамон эсимда, улар ҳовлимизга келганларидея Абдулла акам ҳовлисидаги қоровул итнинг йўқолганлиги ҳақида гапирди. Биз эса ҳовлидаги итнинг боласини бериб юбордик. Яна бир келишганда Абдулла акам ҳазилишиб: "У кучуғингиз бизга итлик қилмади", деганлари жуда кулгили бўлган эди.

Умр ўтиб кетаверар экан. Лекин ана шундай ўз элига меҳрибон, болаларга ғамхўр инсонларнинг бу ёруғ оламдан эрта кўз юмиб кетганлари биз учун жуда оғир бўлди. Улар ҳаёт бўлмасаларда бизнинг қалбимизда доимий яшаб келарди. Олижаноб инсонлар билан ўтган ҳар бир кунимизни фохр билан эслашимиз, руҳи покларига эса дуои-фотиҳалар қилашимиз, Юқорида ёдга олган барча битикларимиз биз учун қадрдон бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллигига бағишлайман.

МУХТАРАМ ҲАМИДОВА,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.



бўлиб, унинг ости зинали бетонлаштирилган. Ҳовуз шу кунгача сақланган.

2000 йилда зиёратгоҳ қайта тикланди: қабр устига макбара тикланди, кириш жойларига дарвозахона бунёд этилиб йўлақлар таъмирланди. Теварак-атроф ободонлаштирилди, зиёратчилар учун жамоатхоналар бино қилинди. Энг муҳими, халқимиз томонидан азиз тутилган бу муқаддас жойнинг ҳақиқий тарихини ўрганиш бошланди.

Мустабид тузум давридаги архив ҳужжатларида бу манзил "Ҳожа Убайда жарроҳ" деб ёзилган. Архив маълумотномасида унга алоқадор иккита ривоят келтирилган. Ривоятларнинг биринчисида Ҳожа Убайда Жарроҳ Амир Темур саройида жаррохлик қилганлиги тасдиқланган. Иккинчи ривоятда эса Ҳожа Убайда Худойод қишлоғида яшаганлиги ва кишиларни жаррохлик усули билан даволаганлиги қайд этилган.

1994-2000 йилларда Қарши тарихини ўрганишга бағишланган тарихий-этнографик экспедиция жараёнида бу муқаддас макан ҳақида учинчи, ҳақиқатга анча яқин бўлган қуйидагича талқиндаги ривоят ёзиб олинди:

"Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи кексаларнинг нақл қилишларича, бу қутлуг манзилда ётган зотнинг асли исми Ҳожа Убайда ал-Жарроҳ бўлиб, у киши саҳобалардан эканлар.

Маккалик кофирлар билан урушда Мухаммад (с.а.в.) пайғамбари-

Хафта янгиликлари ислом дини ВА ЭКОЛОГИЯ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам таъкилоты — ISESCO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг "Ислам маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши юртимизда катта қувонч билан қутиб олинди.

Маълумки, Ислам динида поклик, атроф-муҳитни тоза сақлаш, саломатлик, меҳр-мурувват ва бошқа инсоний масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Юқоридагиларни эътиборга олиб, "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Тошкент Ислам университети ҳамкорлигида "Ислам маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик масалалари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда атроф-муҳитни пок сақлаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, касалликнинг олдини олиш, табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш ва шунга ўхшаш масалаларнинг ислом динидаги талқини орқали азал-азал қадриятларимизни тиклаш ҳамда ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилиш масалалари қўриб чиқилди.

Сўзга чиққанлар, инсон саломатлиги ва экология, ислом дини ва унинг қонун-қоидалари, жамиятда ушбу тушунчаларнинг ақс этиси билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилар.

ТАДҚИКОТ МАҲСУЛИ

Жорий йилнинг 30 август кунин "Radisson SAS" меҳмонхонасида Болалар фонди ЮНИСЕФ томонидан "Мульти индикаторли кластер тадқиқотларнинг таҳлили ва унинг натижалари" мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат қўмитаси вакили томонидан тингланган тадқиқот, йиллар давомида қилинган ишларнинг маҳсули сифатида тадқиқ этилди. Тадқиқотнинг мақсади — Ўзбекистонда болалар ва аёллар аҳолини бахорлаш учун аниқланган маълумотларни тақдим этиш, мамлакатда маълумотлар йиғиш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам бериш ҳамда бундай тизимларни лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва таҳлил қилиш соҳасида мутахассисларнинг техник малакаларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот натижалари бўйича халқаро экспертлар ва ўзбекистонлик мутахассислар ўзаро фикр алмашиб, мавзу доирасида тегишли тақлиф-мўлоҳазаларини киритдилар.

Намоз ТОЛИПОВ.

ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

Стресс может привести к выпадению зубов

Здоровье зубов и десен во многом зависит от психологического состояния человека. Постоянные стрессы, длительная депрессия и тревога, чувство одиночества нередко сопровождаются развитием болезней пародонта, которые являются частой причиной потери зубов, сообщает Journal of Periodontology.

Ученые Американской академии периодонтологии (American Academy of Periodontology) проанализировали исследования, посвященные взаимосвязи между психологическим состоянием человека и болезнями пародонта. В общей сложности учитывались данные 14 исследований, опубликованных в период с 1990 по 2006 год. Выяснилось, что результаты 57% исследований подтверждали наличие прямой взаимосвязи между развитием болезней пародонта и психологическими факторами (высокой тревожностью, депрессией, сильным чувством одиночества, состоянием хронического стресса).



"Таким образом, пациенты, которые избегают стрессовых ситуаций, могут быть менее подвержены болезням пародонта", — сообщила руководитель исследования Дайана Перуццо (Daiane Peruzzo).

Исследователи предположили, что взаимосвязь между психологическими факторами и болезнями пародонта обусловлена действием гормона стресса — кортизола. По данным исследования, опубликованного в июльском номере Journal of Periodontology, повышенный уровень кортизола может способствовать повреждению десен и челюстных костей, характерных для болезней пародонта.

Кроме того, определенную роль может играть изменение привычек у человека, переживающего тяжелый стресс. "В такой ситуации люди уделяют меньше внимания гигиене полости рта и увеличивают потребление алкоголя, никотина и лекарств", — отметил президент Американской академии периодонтологии Престон Миллер (Preston D. Miller).

Пародонт — это комплекс тканей, которые окружают зуб и обеспечивают его фиксацию в челюстных костях. К наиболее распространенным болезням пародонта относятся гингивит, пародонтит и пародонтоз. Характерные признаки болезней пародонта — кровоточивость десен, неприятный запах изо рта, расшатывание зубов вплоть до их выпадения.

Кубинцы создали вакцину от гепатита С

Кубинские ученые объявили о создании эффективной вакцины против опасного заболевания — гепатита С. От этой болезни во всем мире страдают около 200 млн. человек.

Вакцина разработана сотрудниками Центра генетики и биотехнологии Кубы. Испытания препарата, получившего название "гербервирон", показали его эффективность, он уже используется при лечении пациентов, отмечают кубинские СМИ.

Наибольшую опасность представляет собой хроническая форма гепатита С, которая нередко переходит в цирроз и рак печени. Хроническое течение развивается примерно у 70-80% больных.

Гепатит С обычно приводит к циррозу печени, часто заканчивающемуся гибелью больного.


В 1990-е годы на Кубе была создана эффективная вакцина против гепатита В. На днях кубинские медики объявили о выпуске новой, предназначенной для младенцев вакцины сразу от пяти распространенных детских заболеваний, которая придет на смену используемой во всем мире тройной вакцине, сообщает Интерфакс.

Белковая пища укрепляет мышцы стариков

Богатая белками пища стимулирует рост мышечной массы у пожилых людей не хуже, чем у молодых. Поэтому диета, содержащая умеренное количество белковых продуктов может замедлить возрастное уменьшение мышечной массы, сообщает в пресс-релизе Отделения медицины Техасского университета в Галвестоне, опубликованном на сайте EurekAlert!

Ученые во главе с Т. Брокком Симонсом (T. Brock Symons) сравнили уровни синтеза белка у 10 молодых и 10 пожилых добровольцев после употребления около 110 г постной говядины. Синтезированный белок определялся в образцах крови и мышечной ткани. Оказалось, что в течение пяти часов после еды синтез мышечных белков повышался на 50% в обеих группах. При этом средняя мышечная масса пожилых исследуемых была на 12 кг меньше, чем таковая у молодых. По словам исследователей, поддержание мышечной массы играет ключевую роль в общем состоянии здоровья, возможности самообслуживания, физической активности и, следовательно, качестве жизни пожилых людей. Из-за потери мышечной массы, большинство

людей в возрасте, перенесших перелом бедра или другую серьезную травму, остаются прикованными к постели после лечения. Как оказалось, исправить положение можно регулярным потреблением белковых продуктов, таких как мясо, птица, рыба, молокопродукты и орехи.




Между тем, от 16 до 27% пожилых американцев получают с пищей меньшее количество белка, чем рекомендовано диетологами. Это происходит по ряду причин, включающих высокую стоимость белковых продуктов, проблемы с перевариванием пищи, изменение вкуса и аппетита, ограниченный рацион в домах престарелых. Кроме того, потеря мышечной массы с возрастом обусловлена снижением физической активности.

Создан тест для ранней диагностики рака печени

Бельгийские и китайские ученые разработали метод исследования крови, позволяющий выявлять рак печени на самых ранних стадиях заболевания. Новый тест позволяет диагностировать более 50% случаев рака, которые не выявляются с помощью существующих методов.

Гепатоцеллюлярная карцинома — наиболее частая разновидность первичного рака печени. Заболевание, как правило, развивается на фоне хронического воспаления печени при гепатитах В и С, а также циррозе печени.



В настоящее время для диагностики рака печени применяется ультразвуковое исследование и другие методы визуализации, биопсия, а также АФП тест — определение уровня белка альфа-фетопротеина, который может повышаться при некоторых


онкологических заболеваниях. Существующие методы диагностики недостаточно чувствительны, и нередко дают ложноположительные результаты.

Новый тест был разработан бельгийскими учеными из Института биотехнологий Фландерса (Flanders Institute for Biotechnology) в сотрудничестве со специалистами исследовательских центров в Пекине и Шанхае. Метод основан на определении уровня двух сахаров, связанных с белками крови. Он позволяет диагностировать стадию заболевания, а также определять размер опухоли.

В исследовании приняли участие 450 пациентов из Китая, страдающих циррозом печени на фоне гепатита В. С помощью нового теста ученые под руководством Чити Чэня (Chitty Chen) установили правильный диагноз «гепатоцеллюлярная карцинома» в 70% случаев.

Гепатоцеллюлярная карцинома наиболее часто встречается в азиатских и африканских странах. Это заболевание имеет один из самых низких показателей выживаемости, поскольку обычно выявляется лишь на поздних стадиях. При одновременном использовании двух методов — нового теста и АФП теста — точность диагностики значительно увеличится, сообщает журнал.

Материалы основаны на данных интернет



Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Сог'лиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрокчи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳай'ати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир ҳай'ати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзमतов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов.

Манзил: 700060, Тошкент шаҳри, Оқушбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қavat.

Тел./факс: 133-57-73, тел. 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь кунин рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафталик сонинга кўнлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана" газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Адади 4582 нуска. Буюртма 1-850.

Газета «ШАРҚ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳафти 2 босма табоҳ. Формати А3. Офсет усулида босилган. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚўШОКОВ.

Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти — 20.00.